



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 21 сентябрь, шанба • №76 (11.464)

• Эркин нарҳда сотилади

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Шу йил 18 сентябрь куни иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ўн учинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари раҳбарлари, ҳокимлик бошқармалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар бошлиқлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг ижтимоий масалалар, умумиқтисод масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Сессияни Тошкент вилояти ҳокими Умнат Мирзақулов бошқарди.

Сессияда вилоятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлиқ кенг кўламдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Маълумки, республика Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида давлатимиз раҳбари нутқ сўзлаб, ўтган ўн бир йил мобайнида республикамизда амалга оширилган ишлар, эришилган натижаларни чуқур таҳлил этиш билан бирга келгусидаги устувор йўналишларни белгилаб берди. Сессияда биринчи бўлиб республика Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис сессиясидаги ана шу маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида вилоят ҳокими Умнат Мирзақулов сўзга чиқди.

Депутатлар шу куни халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига ўрни бўшаб қолган сайлов округларида бўлиб ўтган сайлов якунлари бўйича вилоят сайлов комиссиясининг ахборотини тингладилар ҳамда 31-Байтўғрон, 35-Оққўрғон, 36-Озодлик ҳамда 49-Олмасор сайлов округларидан сайланган депутатлар Саидхўжа Тошхўжаев, Раҳимжон Ҳакимжонов, Туроб Холтоев ҳамда Рустам Қоси-

мовларнинг ваколатларини тасдиқладилар.

Сессия кун тартибига киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги қонуннинг ижро этилиши, давлат чегарасини ҳимоя қилиш ҳамда қўриқлашда аҳолининг ва «чегара посбонлари» жамоат тузилмаларининг ролини ошириш борасида Оҳангарон, Бўстонлик, Бўка туманлари, Ангрен, Бекобод шаҳар ҳокимликлари томонидан қилинган ишлар тўғрисидаги масала депутатлар томонидан, айниқса, қизғин муҳокама этилди. Бу масалада 14-Трансформаторчилар сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Чирчиқ шаҳар кенгашининг биринчи котиби Дониёр Азизхўжаев маъруза қилди. Уни муҳокама этишда 36-Озодлик сайлов округидан депутат, Оҳангарон тумани ҳокими Туроб Холтоев, Бекобод тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Ғофуржон Бўрибоев, чегара қўшинлари Тошкент тезкор гуруҳи бошлигининг ўринбосари Ботир Инамбоев иштирок этдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Республика Маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги

Фармонининг вилоятдаги ижроси ҳақида маъруза қилган 16-У.Юсупов сайлов округидан депутат, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Нурмон Насимов шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатаётган маънавият ва маърифат кенгашларининг ишини чуқур таҳлил этиб берди.

Шундан сўнг депутатлар вилоят ҳокимлигининг молия, халқ таълими бошқармалари, Бекобод, Ўртачирчиқ туманлари, Бекобод шаҳар ҳокимликларида «Электримёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмасида кадрларга бўлган эҳтиёж, амалдаги ва истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш, уларни босқичма-босқич раҳбар лавозимларига тайёрлаб бориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Кун тартибидagi бу масала юзасидан вилоят ҳокимлигининг ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари Юнусхон Шарипов маъруза қилди.

Сессияда бугунги кунда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда энг муҳим масалалардан бири бўлган «Тошкент вилоятида 2002 йилда кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш дастури» нинг ижроси ҳақидаги масала ҳам чуқур ва атрофлича муҳокама этилди. Бу масала юзасидан маъруза қилган вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят иқтисодиёт ва статистика бош бошқармасининг бошлиғи Абдухамид Йўлдошев бу борада шаҳар ва туманларда олиб борилаётган ишлар, йўл қўйилаётган камчиликлар, муаммоларга тўхталиш билан бирга олдинда турган асосий вазифаларни баён этиб берди. Сессияда депутатлар томонидан Тошкент вилояти ҳокимининг айрим қарорлари ҳам кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Сессияда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЛИТВАГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Литва Республикаси Президенти Валдас Адамкус таклифи билан Литвада меҳмон бўлади.

Ташриф давомида Ўзбекистон-Литва муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва ривожланиш истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалаларни муҳокама этиш ҳамда қатор муҳим икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

ОЛИЙ МАЖЛИС КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссиясининг шу йил 20 сентябрь куни бўлиб ўтган йиғилишида «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги Қонуннинг депутатнинг сайлов округидаги фаолиятига доир қисми Тошкент вилоятида қандай амалга оширилаётгани ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Йиғилишни комиссия раиси Ш.Хўжаниёзова бошқарди.

Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раисининг ўринбосари, ишчи гуруҳи раҳбари И.Ғофуровнинг ахбороти ва Тошкент вилоят ҳокимининг ўринбосари — ҳокимлик ташкилий ишлар ва кадрлар гуруҳи раҳбари Ю.Шариповнинг қўшимча маърузаси тингланди. Комиссия аъзолари вилоятда Олий Мажлис депутатларининг фаолияти учун барча зарур шароитлар яратилганлиги, улар

ҳокимликлар ва бошқа ташкилотлар билан яқин алоқада иш олиб бориб, ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий муаммоларни ечишга муносиб ҳисса қўшаётганлигини таъкидлашди.

Йиғилишда алоҳида кўрсатиб ўтилдики, ҳамма ерда Олий Мажлис депутатларининг қабулхоналари мавжуд, қабул вақтларидан аҳоли кенг хабардор қилинган. Депутатлар сайловчиларнинг мурожаатномалари (Давоми 2-бетда).

Бугунги сонда:

ЯНГИ ТАШАББУС

Тошкент вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари вилоятимизда истиқомат қилувчи аҳоли билан бевосита мулоқотда бўлиш, мавжуд муаммоларни жойининг ўзида ечимини топиш мақсадида янги ташаббус билан чиқдилар.

2-бет

ЭСЛАТИБ ҚЎЙИШ — ВАЗИФАМИЗ

Қора фонли оқ рамзларга эга бўлган давлат ракам белгилари техника воситалари эгаларининг ҳар бири билан алоҳида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

3-бет

ЙИГИТЛАР ЧАҚИРИҚҚА ТАЙЁРМИ?

Вилоят чақирув пунктида кузги ҳарбий хизматга чақириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, мудофаа ишлари бўлимларининг бошлиқлари, бош шифокорлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Раҳимбердиев бошқарди.

Мазкур тадбирда баҳорги чақириқ натижалари, шунингдек, кузги ҳарбий хизматга чақирувга

тайёргарлик масалалари кўриб чиқилиб, вилоятда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш даражаси кўтарилиб бораётганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга йиғилиш иштирокчилари айрим шаҳар ва туман мудофаа ишлари бўлимлари фаолиятидаги камчилик ва нуқсонларни ҳам кўрсатиб ўтишди. Жумладан, Ўртачирчиқ, Зангиота, Бўка, Оҳангарон туманлари ва Янгийўл шаҳри мудофаа ишлари бўлимларида ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида

амалга оширилаётган ишлар кўнгилдагидек эмаслиги, айрим ҳолларда тиббий комиссиялар ишида жиддий нуқсонлар юз бераётганлиги, жамоат ташкилотлари билан бу борадаги ҳамкорликнинг сустиги таъкидланди.

Йиғилишда ўтган чақирув мавсумида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда кузги чақириқ мавсумини ҳар томонлама муваффақиятли ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар белгилаб олинди.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Бугунги сонда:

САБИЛ ҚОЛГАН ТЎЁНА

— Одамлар эшитса нима дейди? Кимсан — Фалон-чиевнинг совғасини Камол қайтариб олиб келибди, деган гап яхшими? Бутун туманга шарманда бўлман-ку?

6-бет

МАҚСАД — ТЕРИМ МАВСУМИНИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ЎТКАЗИШ

Вилоятдаги хўжаликларда пахта йиғим-терими бошланиб кетди

(Давоми 3-бетда).



ҚИЗ ҚАДРИ

Аслида кизимни мен ҳимоя қилишим керак, лекин узатилгач, бу вазифани кўёв бажараяпти. Кизимни яхши кўрганим учун кўёвими хам яхши кўраман...

8-бет

ОЛИЙ МАЖЛИС КОМИССИЯСИДА

ри, саволлари, таклифларини атрофлича ўрганиб, уларда кўтарилган масалаларга ечим топмоқдалар.

Шу билан бирга йигилишда таъкидлаб ўтилганидек, айрим ҳолларда депу-

(Давоми. Боши 1-бетда).

татлар тегишли мансабдор шахслардан жавоб ололмайдилар. Шу боис қонун доирасида уларнинг масъулиятини кучайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, комиссия округ сайловчиларини Олий Мажлис

қабул қилган қонунлардан ҳабардор қилишда депутатлар ролини янада фаоллаштиришга эътиборни қаратди. Сайловчилар билан қонунларимизнинг моҳияти, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари ҳақидаги суҳбатлар ялпи ҳуқуқий саводхонликни оширишга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Комиссия муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.
Ўз мухбиримиз.

Япониялик киночилар — Ўзбекистонда

Япониянинг "Twins Japan" кинокомпанияси кунчиқар мамлакат кино санъати тарихида илк бор ўзбек диёрида "Аждарҳо боши" деб аталган бадиий фильмни суратга олишга қарор қилди.

Ҳозирги вақтда фильм учун актёрлар танланмоқда, суратга олиш ишлари Ўзбекистон пойтахтида 5 октябрда бошланади ва 22 ноябргача давом этади.

Элбек ХОЛИҚОВ,
ЎЗА мухбири.

КОЛЛЕЖДА ДАВРА СУҲБАТИ

Тадбир

Вилоят адлия бошқармаси Зангиота туман қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида «Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандлик ҳамда ОИТС касалликлари ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари» мавзусига бағишланган давра суҳбати ўтказди.

Ҳуқуқий маърифат тарғиботи минтақавий бўлими, вилоят диний бошқармаси, вилоят ОИТС маркази, туман прокуратураси ва ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу анжуманда адлия бошқармаси бўлим бошлиғи М.Тўйчиев «Вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари», вилоят диний бошқармаси бош имом хатиби И.Суннатуллаев «Баъзи

диний оқимларнинг зарарли ташвиқоти», вилоят ОИТС га қарши кураш маркази шифокори Б.Расулов «Гиёҳвандлик ва ОИТС касалликларининг олдини олиш чора-тадбирлари», Зангиота туман ИИБ ходими С.Аслонов «Вояга етмаганлар билан ишлаш туман инспекцияси фаолияти» мавзусида маърузалар қилиб, йиғилиш иштирокчилари саволларига жавоб бердилар.

У. ҲИҚМАТОВ.

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР ТАНЛАНДИ

Ангрен шаҳар хотин-қизлар кўмитаси «Зулфия» номли Давлат мукофотига шаҳардаги иқтидорли ўқувчилар орасидан икки йўналиш бўйича ғолибларни саралаб олди.

Юксак мукофот номзодлигига адабиёт йўналиши бўйича 3-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Севара Маллаева ва рақс санъати бўйича 39-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Инобат Юнсова муносиб кўрилди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

ЯНГИ ТАШАББУС

Тошкент вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида истиқомат қилувчи аҳоли билан бевосита мулоқотда бўлиш, юзма-юз учрашиш, мавжуд муаммоларни жойнинг ўзида тинглаш, ўрганиш ва ҳал қилиш мақсадида янги ташаббус билан чиқдилар. Унга кўра вилоят прокурори Фахри Раҳимов, вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи Мирсамат Одилов, вилоят жиноят ишлари бўйича суди раиси Йўлдош Назаров, вилоят фуқаролик суди раиси Карим Саитов, вилоят хўжалик суди раиси Шоназар Бердиевдан иборат нуфузли ҳуқуқшунослар гуруҳи шу йилнинг 24 сентябридан 3 декабргача барча шаҳар ва туманларда фуқароларни қабул қиладилар.

Газетхонларимизни бу, албатта, қизиқтиради. Шунинг учун уларнинг қабул кунлари ва манзилларини билдириб қўймоқчимиз:

24 сентябрь,	соат 10.00 да	— Ангрен шаҳар ҳокимияти биносиди.
24 сентябрь,	соат 15.00 да	— Оҳангарон шаҳар ҳокимияти биносиди.
1 октябрь,	соат 10.00 да	— Оҳангарон туман ҳокимияти биносиди.
1 октябрь,	соат 15.00 да	— Олмалик шаҳар ҳокимияти биносиди.
8 октябрь,	соат 10.00 да	— Бекобод шаҳар ҳокимияти биносиди.
8 октябрь,	соат 15.00 да	— Бекобод туман ҳокимияти биносиди.
15 октябрь,	соат 10.00 да	— Бўка туман ҳокимияти биносиди.
15 октябрь,	соат 15.00 да	— Оққўрғон туман ҳокимияти биносиди.
22 октябрь,	соат 10.00 да	— Ўртачирчиқ туман ҳокимияти биносиди.
22 октябрь,	соат 15.00 да	— Пскент туман ҳокимияти биносиди.
29 октябрь,	соат 10.00 да	— Юқоричирчиқ туман ҳокимияти биносиди.
29 октябрь,	соат 15.00 да	— Паркент туман ҳокимияти биносиди.
5 ноябрь,	соат 10.00 да	— Чирчиқ шаҳар ҳокимияти биносиди.
12 ноябрь,	соат 10.00 да	— Бўстонлик туман ҳокимияти биносиди.
12 ноябрь,	соат 15.00 да	— Қибрай туман ҳокимияти биносиди.
19 ноябрь,	соат 10.00 да	— Тошкент туман ҳокимияти биносиди.
19 ноябрь,	соат 15.00 да	— Зангиота туман ҳокимияти биносиди.
26 ноябрь,	соат 10.00 да	— Чиноз туман ҳокимияти биносиди.
26 ноябрь,	соат 15.00 да	— Куйичирчиқ туман ҳокимияти биносиди.
3 декабрь,	соат 10.00 да	— Янгийўл шаҳар ҳокимияти биносиди.
3 декабрь,	соат 15.00 да	— Янгийўл туман ҳокимияти биносиди.

БОЗОР — ЮРТ КЎЗГУСИ



Тарихдан маълумки, бурунги замонларда ҳам элчи, сайёҳ ёки савдогар ўзга юртга ташриф буюрса, биринчи навбатда унинг бозорларини айланган. Кўркамлигига, саранжом-сариништаллигига, тўкинлигига эътибор берган. Шунга қараб, халқининг ҳаётига, тадбиркорлигига баҳо берган.

Ҳа, ота-боболар бозорни юрт кўзгуси деб бежиз айтишмаган. Бозор ўша ерлик аҳолининг қандай боғбон ва дехқон эканини белгилайдиган жой. Янгийўл шаҳридаги бозорга кирган одам ундаги турфа ва тотли ноз-неъматларни кўриб атроф қишлоқларда яшовчиларнинг миришкорлигига албатта тан беради.

— Шаҳар ва туман аҳолисини кўшиб ҳисоблаганда, қарийб 200 минг кишининг рўзғори шу ерда бут бўлади, — дейди «Янгийўл шаҳар бозори» ҳиссадорлик жамияти

Истиқлол иншоотлари



раиси Йўлдош Мадумаров. — Ундан ташқари Зангиота ва Чиноз томонлардан ҳам харидорлар келишади. Уларга намунали хизмат кўрсатиш, савдо расталарининг ҳар хил маҳсулотларга тўла бўлишини таъминлаш мақсадида мавжуд имкониятларни ишга соляпмиз. Ёзда ва кузда полиз неъматлари кўпайишини ҳисобга олиб, эни 2, бўйи 3 метрли қўшимча 50 та тахтадан ўралган савдо жойлари барпо этдик. Ташқарида машиналарда туриб, кар-

тошқа ва сабзавотлар савдо-сини ташкил этдик. Тез-тез ярмаркалар ўтказаяпмиз. Ўзингизга аён, рақобат бор жойда арзончилик бўлади. Арзончилик бўлса, сотувга келтирилган нарса узоқ туриб қолмайди.

Айни пайтда бозорга бораверишдаги катта йўлнинг бу тарафида янги бозор қурилиши кетмоқда. Уни лойиҳалаштириш-

да замон талаблари, миллийлик, шарқона услубда безатиш, хуллас ҳамма-ҳаммаси эътиборга олинган. Мутасаддиларнинг айтишича, у 2 йилдан сўнг тўлиқ фойдаланишга топширилади.

Равшан

БОБОМУҲАМЕДОВ.

СУРАТЛАРДА: бозорнинг ташқи кўриниши, унга туташ кўчалар ҳам бузун мана шундай кўркамлашмоқда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

СОЧИНГИЗ КУМУШ ТОЛАСИ...

Тошкент туманидаги «Келес» ўйингоҳида қарияларни қадрлаш йили муносабати билан учрашув-концерт ташкил этилади.

«Сочингиз кумуш толаси — кўзимга тўтиё» мавзудаги бу тадбирда вилоятимиз шаҳар ва туманларининг меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқаришда фаол меҳнат қилаётган отахон ва онахонлар иштирок этишади.

«Истиқлол гулшани» Республика маънавият ва маърифат уйи томонидан ўтказилаётган бу учрашув-концертда эл севган санъаткорларнинг куй ва кўшиқлари қариялар учун айниқса хузурбахш бўлса ажабмас.

КЕКСАЛАР НАСИҲАТИ — МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗ

Бекобод тумани марказий кутубхонасида бўлиб ўтган тадбир ана шундай номланди. Унда туманининг отахону онахонлари, эл назарига тушган кишилар ва ёшлар иштирок этишди.

Кексалар ўзларининг ҳаётларидаги ибратли воқеа-ҳодисаларни сўзлаб бердилар. Улар тарихда ўтган қора кунларни эслаб, ёшлар юртимиз

мустақиллигини ардоқлай билишлари, бугунги тинч ва осуда ҳаётнинг қадрига етишлари кераклигини таъкидладилар.

Ўз мухбиримиз.

УЙЛАРГА ТАШРИФ

Бекобод туманида қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб, тадбирлар ўтказилмоқда.

Жумладан, яқинда туман ҳокимлиги хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, ички ишлар бўлими вакиллари 100

ёшдан ошган нуроний отахон ва онахонларнинг уйларига ташриф буюриб, уларнинг турмуш шароитларидан хабар олишди, совға-саломлар улашди.

МАҚСАД — ТЕРИМ МАВСУМИНИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ЎТКАЗИШ

Пахта — 2002

Этироф этиш керакки, бу йилги мавсум ўзига хос айрим жиҳатлари билан аввалги йиллардагидан бироз фарқ қилади. Аввало ҳосилнинг пишиб-етилиши одатдагидан 15-20 кунга кечиккани йиғим-терим ишларини ҳар томонлама оқилона уюштиришни талаб қилади. Шу боис вилоятда алоҳида терим стратегияси ишлаб чиқилиб, жойларга етказилди.

Айни кунларда ҳамма хўжаликларда ишлар ана шу асосда ташкил этилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, жойларда кўп йиллик тажрибага эга бўлган уста пахтакорлар, қишлоқ хўжалиги фахрийлари бу йилги вазиятни ҳисобга олиб, йиғим-терим мавсумини тез ва сифатли ўтказиш юзасидан туман ва хўжалик раҳбарларига қимматли маслаҳатлар бермоқдалар, қишлоқ аҳлини оммавий сафарбарликка ундамоқдалар.

Жумладан, Қуйичирчиқ туманидаги

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Мустақиллик» пахта тозалаш заводидан янги ҳосил карвонига бағишлаб ўтказилган тантанали митингда меҳнат фахрийлари сўзга чиқиб, теримда эл қатори ишти-

римга киришдилар. Пахта заводи янги ҳосилни қабул қилишни бошлаб юборди. Чунки, корхона сентябрнинг охиригача янги ҳосилдан 250 тонна тола ишлаб чиқариб, экспорт қилиш юзасидан буюртма олган.

Оққўрғон туманида янги ҳосил карвони муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимда меҳнатга яроқли ҳар бир фу-

қаронинг бугунги ўрни пахтазорда, деган широр ўртага ташланди. Шу кунларда туман пахтазорларида йиғим-терим қизгин тус ола бошлади.

Бу йилги вазият машина теримига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини тақозо этмоқда. Шу сабабли мавжуд 206 та «Кейс» машиналарининг бутун мавсум давомида бир соат ҳам бекор туриб қолмай, юксак унум билан ишлашни таъминлаш мақсадида операторларга барча шарт-шароитларни яратиб бериш, техник хизмат кўрсатишни бевоСИТА дала бошларига кўчириш чора-тадбирлари тузиб қўйилган.

СУРАТЛАРДА:

Оққўрғон туманида янги ҳосил карвонига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



рок этиш ва туманнинг 35850 тонналик пахта хирмони тезроқ юксалишига баҳоли қудрат ҳисса қўшишга бел боғлаганларини маълум қилдилар.

Туман пахтакорлари 20 сентябрдан те-

Миллий матбуот марказида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилотнинг жорий йилдаги фаолияти ва галдаги вазифалари муҳокама этилди.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев ёшларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоеън этишига кўмаклашиш борасида муайян ишлар амалга оширилади. Ҳозирги кунда ҳаракатнинг аъзолари сони 4,4 миллион нафарга етди.

Улғайиб келаётган авлодни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ҳар бир маҳалла ва мактабда спорт майдончалари яратиш ташаббуси илгари сурилди. Шу кунгача 102 та шундай янги иншоот қурилди, 161 таси таъмирдан чиқарилди.

Йил бошидан буён ҳаракат бўлимлари ёрдамида саккиз минг олти юздан зиёд ишсиз йигит-қиз доимий ва мавсумий иш билан таъминланди. Икки юз ўттиздан зиёда эса кичик ва ўрта бизнес корхоналари очиш ёки фаолиятини риволантириш учун банклардан кредит олишда кўмаклашилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

КОНСТИТУЦИЯ БОҒИ БАРПО ЭТИЛДИ

Конституция — ҳаётимизнинг Бош қомуси. Унда илк бор мустақил мамлакатимиз фуқароларининг асосий ҳуқуқ ва бурчлари теран баён этилган.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш борасидаги Фармойишига биноан жойларда Бош Қонунимиз ҳар бир бандининг

мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ўрганишга жиддий эътибор бериллаётир, турли тadbирлар, учрашув ва суҳбатлар ўтказилаётир.

Тошкент Давлат техника уни-

верситети биносига кираверишдаги сўлим хиёбонда Конституция боғи барпо этилди.

Боғда Бош қомусимиз моддалари ўзбек, рус ва инглиз тилларида безаклар билан уйғун ҳолда стендларда ўз аксини топган.

(ЎЗА).

Эслатиб қўйиш — вазифамиз

Яқинда бир танишим ҳам саёҳат, ҳам зиёрат мақсадида кўшни Қозоғистон Республикасининг Туркистон шаҳрига бориб келди. Мен ундан ҳолаҳвол сўраб, сафар таассуротлари билан қизикдим. У эса кутилмаганда ҳайдовчилик гувоҳномаси ва давлат рақам белгисини алмаштириш учун қандай ҳужжатлар зарурлигини суриштира бошлади. Ундан бундай шошилиш қарорга келиш сабаби нимада эканлигини сўрадим.

— Қозоғистон йўлларида кетаётган эдик, — деб гап бошлади у. — Туркистонга етаретмас йўл ҳаракати назоратчиси мени ва ҳамроҳимнинг машинасини четга олиб тўхташга ишора қилди. Аввал ҳамроҳимнинг ҳужжатларини текширди. Навбат менга келганда, у ҳайдовчилик гувоҳномамни сўради. Инспектор ҳазиллашяпти, деб ўйлаб кулдим. У эса жиддий қараб турарди. Бир оз ўнғайсизланиб, «қўлингизда турибдику», дедим. «Ўзбекистонда янги ҳайдовчилик гувоҳномаси жорий этилганига анча бўлди, — деди инспектор. — Еки сизнинг хабарингиз йўқми?» У шундай деб, ҳамроҳимга ҳужжатларини яна кўрсатишни сўради. Ҳақиқатан ҳам унинг ҳайдовчилик гувоҳномаси меникидан бутунлай бошқача эди.

Танишим билан содир бўлган ушбу воқеани эшитиб, беихтиёр ўйланиб қолдим. Дарҳақиқат, юртимизда мустақиллик шарофати билан кун-

далик ҳаётимизда кескин ўзгаришлар рўй берди. Истиклолимиз рамзи бўлган ўз гербимиз, байроғимиз, мадҳиямизга эга бўлдик. Шу қаторда йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимларида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилганини эслаб ўтиш жоиз. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ умумжаҳон та-

ЙЎЛ ҲУЖЖАТЛАРИНГИЗ

амалдаги қонунларимизга мосми...

лабларига мос «Йўл ҳаракати қондалари» амалга киритилди. Миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси ва давлат рақам белгиси жорий этилди.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 26 майдаги 256-сонли «Автомобил транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақам белгиларини бериш ва уларни алмаштириш ишларини тартибга солиш ҳақида»ги қарори асосида Тошкент вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида ҳам

кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди, — дейди вилоят ИИБ ЙХХБ рўйхатлаш ва имтиҳон бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Баҳодир Эгамбердиев. — Шу кунга қадар рўйхатдаги транспорт воситаларининг асосий қисми

янги давлат рақами олган. Шу билан бир вақтда транспорт воситасининг яроқсизлиги ёки эгасининг йўқлиги сабабли қайта рўйхатдан ўтмаган машиналар ҳам мавжудлиги сир эмас. Автомобил йўлларида ҳаракатланаётган транспорт воситалари орасида эски давлат рақам белгилари ҳам ҳамон учраб туриши ажабланарли ҳол. Шу сабабли ўтмишда амалда бўлган қора фонли оқ рамзларда ифодаланган давлат рақам белгилари автоматотransпорт воситалари рўйхати тузилди. Йўл патрул хизмати ходимларининг кундалик йўриқномаларида ана шу

ҳолатларга катта эътибор қаратиш ўқтирилди. Худудий профилактика инспекторлари ва ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари ходимлари билан ҳамкорликда гуруҳлар тузилиб, қора фонли оқ рамзларга эга бўлган давлат рақам белгилари техника воситалари эгаларининг ҳар бири билан алоҳида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг рўйхатлаш ва имтиҳон бўлими, жойлардаги худудий бўлинмаларида транспорт эгаларини қабул қилиш, уларга хизмат кўрсатиш, транспорт воситасини техник кўридан ўтказиш, тўловлар учун махсус касса хоналари, умуман барча қулайликлар яратилган. Шу ўринда беихтиёр бир савол хаёлимиздан ўтади: хўш, янги давлат рақамини олиш учун биринчи навбатда нимага эътибор бериш керак?

Менимча инсонда, аввало, миллий гурур бўлмоғи керак. Қачонки кишида миллий гурур бўлса, у ўзининг ўзбекистонлик эканидан, улуг ва қадим тарихга эга халқ фарзанди, озод юртининг озод фуқароси эканидан фахрланса, бу ишни пайсалга солмай, бошқаларнинг эслатишларисиз ўринлатади.

Исроилхўжа
САЙДИКАРИМОВ,
Тошкент вилояти ИИБ
ЙХХБ катта инспектори,
милиция капитани.

Dushanba

23

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектефильм» намоиши: «Тандир, арча, олов».

13.05 «Қалдирғоч». Фольклорно-этнографик ансамблининг концерти.
13.25 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Тиббиёт одимлари».

тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».

«Ёшлар» телеканал

8.55 Ҷўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тунги.
10.00 «Янги авлод» студияси «Катта танаффус».

12.20 Давр-news.
12.35 Мутлола.
12.55 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
13.45 Автосалтанат.
14.00 Кўҳна оҳанглар.

нати.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Мухаббат қўшиқлари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар.
25.55 «Эсмеральда».

«Халқаро» телеканал

17.15 Ҷўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Кўҳна дахма сири». 1-қисм.
17.45, 19.10, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.

дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.30 «Спорт ва болалар».
19.45 «Avto-news».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30 - 8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10-16.40
16.40 Ҷўрсатувлар тартиби.
16.45 «Вести».

21.25 «Ҳинд оҳанглари».
21.40 «Мухаббат даври». Сериал.
ЎзТВ-IV
22.35 «Ўз-ўзига режиссёр».

30-КАНАЛ

16.55 гача профилактика иншлари.
16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 Шоу соати.
17.40, 20.35 — «Телехамкор».

Seshanba

24

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

14.35 «Талабалик йилларим».
15.05 «Ит уяси». Телесериал премьераси.
«Болалар сайёраси»:
15.50 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».

20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ ва биз».
21.20 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин» телесериал премьераси.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Ҷўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» почтаси, болалар учун концерт.
9.45 «Акаиро». Мультфильм.

борлар. Ўзбек кураши бўйича IV жаҳон чемпионати.
13.35 Интерфутбол.
15.15 Кўҳна оҳанглар.
15.30 Ёшлар овози.
15.50 «Кин дза-дза».

Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Мухаббат қаҳваси».

«Тошкент» телеканал

17.15 Ҷўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Кўҳна дахма сири». 2-қисм.
17.45, 19.05, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10-16.40
16.40 Ҷўрсатувлар тартиби.
16.45 «Вести».

30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Теле-

хамкор». 9.30, 14.10 — Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли реинджелар» сериал.
10.40 «Жанговор санъат олами». Спорт дастури.

Chorshanba

25

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

14.10 «Остонаси тиллодан».
14.30 «Шийпондаги учрашувлар».
15.10 «Ит уяси». Телесериал премьераси.

22.40 XIV Осиё ўйинлари олдидан.
22.55 «Мувоозанат».
23.15 «Ахборот-дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Ҷўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Билагон маслаҳати», «Кичкинтой театри».

14.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.
15.20 Автопанурль.
15.40 «Кин дза-дза». Бадий фильм. 2-қисм.

22.00 Давр.
22.40 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.

«Тошкент» телеканал

17.15 Ҷўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Кўҳна дахма сири». 3-қисм.
17.45, 19.10, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.

23.00 Кинонигоҳ. «Лас-Вегас таътиллари».
00.40-00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10-16.40
16.40 Ҷўрсатувлар тартиби.
16.45 «Вести».

30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».
9.30, 14.10 — Болалар соати.

Payshanba

26

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

10.05 «Мулк».
10.20 «Онегин». Бадий фильм.
11.55, 12.25, 14.55 ТВ анонс.
12.05 «Иллар ва йўллар».
12.30 «Фламинго».

14.30 Болалар учун. «Мактулар - кабутарлар».
15.00 XIV Осиё ўйинлари олдидан.
15.15 «Ит уяси». Телесериал премьераси.

«Болалар сайёраси»

17.00 1. «Санъат ғунчалари». 2. «Болалар ва катталар».
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср».

18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Соғлом она - соғлом бола».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).

22.15 XIV Осиё ўйинлари олдидан.
22.30 «Саҳна ҳаёти».
22.50 «Йўл бошида».

«Ёшлар» телеканал

8.55 Ҷўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Олтин калит».

10.15 Муסיкий лаҳзалар.
10.25 «Эсмеральда». Телесериал.
10.55 Спорт-қитъаси (рус тилида).

16.05 ТВ-анонс.
16.15 «Кичик боланинг катта ташвишлари». Бадий фильм.
17.15 Ҷўрсатувлар дастури.

19.50 «Давр» интервью.
20.05 «Бу менинг Ватаним» туркуми. Сирдарё вилояти. Видеofilm.
20.35 «Ёр ишқи». Мусикий дастур.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмeрaльда». Тeлeсeриaл.
21.30 Мeзoн.
21.50 Oлтин мeрoс.
22.00 Дaвp.

22.40 «Мухаббат қаваси». Тeлeсeриaл.
23.05 «Ёшлар» тeлeкaнaли-дa cпoрт: Интeрфyтбoл. Тaнaффyс пaйтидa:
23.50 Дaвp.
00.55-1.00 «Хайрли тун!»
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Кўҳна дахма сирин». 4-қисм.
17.45, 19.05, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.

18.05 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 42-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Навиҳол».
19.25 «Ёшлар ҳудуди».
19.50 ТТВда мусиқа.
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Умр йўлдоши».
22.45 Кинонигоҳ, «Оила қадри».
00.35-00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ.
16.10-16.40
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 «Вести».
17.00 «Евроњнос» янгиликлари.
17.20 «Биз анойи эмасмиз».
Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Оилавий ришталар».
Сериал.

19.00 «Зайф бўгин».
Телeйўин.
20.00 «Время».
20.35 «Камeнcкaя». Сeриaл.
21.25 «Вaқт ҳaзинaсидaн».
21.40 «Мухаббат дaври».
Сeриaл.
22.35 FCN Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
22.45 «Жаҳон буйлаб».
23.30 Киномотoгpаф. «Ой нури» агентлиги. Бaдиий фильм.
1.10 «Ахборот» (рус тилида)

1.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-КАНАЛ
9.00 Дaстурнинг oчилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Тeлeҳaмкoр».
9.30, 14.10 Бoлaлaр coaти.
10.15 «Пaуэp Рeйнджeрс eки кyчли рeйнджeрлaр» Сeриaл.
10.40 «Яхши кaйфият».
11.10 «Сирлaримиз eзи».
Сeриaл.
12.00 «Ишдaги ишқ».
1-сeрия.
13.30 «Ягo, зулмaт эхтирoси».
Тeлeсeриaл.
15.00 Кундузги киносеанс:

«Магдаленанинг сокин эхтирослари». Сериал.
15.50 «30-да спорт».
17.00 «Шоу соати».
18.00 «Кўрсичқон».
Сериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Доктор Жекиллнинг юксалиши».
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона».
Мусикий дастур.
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Мухаббат, мени тарк этма».
1,2-сериаллар.
23.15 «Сиреналар».
Сериал.

JUMA
«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Санъат гунаҳлари».
2. «Болалар ва катталар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Жигарбандим ёди».
Бaдиий фильм.
11.35 «Узлeнинг нaмoeн кил». Экpанда - Жиззах вилояти.
12.05 XIV Oсиё ўйинлaри oлдидaн.
12.20 «Мeҳр қoлуp».
12.40 ТВ клип.
12.50 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
13.10 «Саҳна ҳаёти».

13.30 «Кўшигимиз Сизга армуғон». А. Дадаев.
14.10 «Озод юрт одамлари».
14.30 Кундузги сеанс: «Вена почта маркаси». Бaдиий фильм.
15.50 «Oламини асpанг!»
16.10 ТВ aнoнс.
16.15 «Moҳият».
«Болалар сайёраси»:
16.35 1. «Сeҳpли ҳaрфлар oролчaси». 2. «Уйла, Изла, Top!» Тeлeмyсoбaқa.
17.35 «Нурли мaнзиллaр».
18.10 «Яшил oрол сирин».
Мультифильм.
18.20 «Тиббиёт oдимлaрин».
18.35 «Ёшлик шиддaти».
Cпoрт дaстyри.
18.50 «Тaфсилoт».
19.05 «Ҳидoят сaрин».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Oқшoм эpтaклaрин.
20.15 Бир жуфт кўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сиеcт oлaмидa».
21.25 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.50 «Ўзбекистон» кaнaлидa илк мaрoтaбa: «Oшин».
Тeлeсeриaл пpемьeрaси.
22.20 XIV Oсиё ўйинлaри oлдидaн.
22.35 «Oлтин бeшик».
22.55 «Ахборот - дaйжeст».
23.15-23.20 Вaтaн тимcоллaрин.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Дaвp.
9.15 «Янги aвлoд» cтyдиaси: «Кaттa тaнaффyс».
9.40 «Дaвp»-интeрвью.
9.55 Мусикий лaҳзaлaр.
10.10 «Эсмeрaльдa».
Тeлeсeриaл.
10.40 Мeзoн.
11.00 «Учинчи cайёp» мaъpифий дaстyри.

11.50 Ёшлар oвoзин.
12.10 «Дoктoр Финли».
Тeлeсeриaл.
13.00 Кўҳнa oҳaнглaр.
13.10 Интeрфyтбoл.
14.50 Сaлoмaт бўлинг.
15.10 «Кулгу қирoлин».
Бaдиий фильм.
16.55 Кўрсaтyвлар дaстyри.
17.00 «Янги aвлoд» cтyдиaси: «Имкoн» тeлeйўини.
17.40 «Oби ҳaёт».
Экoлoгик тeлeжyрнaл.
17.55 Ёшлар oвoзин.
18.15 Жаҳон туризм кyнигa: «Хуш кeлибсиз!».
18.45 Oқшoм нaвoлaрин.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Дaвp.
19.35 ТВ-aнoнс.
19.40 Кўҳнa oҳaнглaр.
19.50 «Дaвp» нигoҳи.
20.10 Aзизим.
20.35 Ёшлик кўшиқлaрин.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмeрaльдa».
Тeлeсeриaл.

21.30 Aсқap мaктyблaрин.
21.50 Oлтин мeрoс.
22.00 Дaвp.
22.40 «Ёшлар» тeлeкaнaлидa пpемьeрa: «Учинчи қирoллик».
Бaдиий фильм.
1-қисм.
00.05 Дaвp.
00.20 «Ёшлар» тeлeкaнaлидa cпoрт: Ринг қирoллaрин.
00.50-00.55 «Хайрли тун!»
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Кўҳна дахма сирин». 5-қисм.
17.45, 19.15, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Хайрли оқшом».
18.30, 20.00, 21.10, 22.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Камолот фасли».
19.35 «Саодат қалити».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Саломатлик маскани».

22.30 «Кинонигоҳ». «Бўйдоқ».
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
16.10-16.40
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 «Вести».
17.00 «Евроњнос» янгиликлари.
17.20 «Инсон ва қирин».
18.00 «Оилавий ришталар».
Сериал.
18.50 «Муъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.40 Жулия Робертс «Ҳаёт сурури» фильмида.
22.40 «Дурдаршан».
23.05 Кинонинг олтин асри: «Икки шаҳар тарихи».
Бaдиий фильм.
00.35 «Ахборот» (рус тилида)
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ
9.00 Дaстурнинг oчилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Тeлeҳaмкoр».
9.30, 14.10 — Бoлaлaр coaти.
10.15 «Пaуэp Рeйнджeрс eки кyчли рeйнджeрлaр» Сeриaл.
10.40 «Cyxбaтдoш».
Дaм oлиш дaстyри.
11.10 «Сирлaримиз eзи».
Тeлeсeриaл.
12.00 «Ишдaги ишқ».
2-сeрия.
13.30 «Ягo, зулмaт эхтирoси».
Тeлeсeриaл.
15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эхтирослари».
Сериал.
15.50 «30-да спорт».
17.00 Шоу соати.
18.00 «Кўрсичқон».
Сериал.
19.00 «30-канал» да ринг қироллари.
19.45 Елена Степаненко шоуиси.
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона».
Мусикий дастур.
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Мухаббат, мени тарк этма».
3,4-сериаллар.
23.40 «Сиреналар».
Сериал.

SHANBA
«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Сeҳpли ҳaрфлар oролчaси». 2. «Уйла, Изла, Top!» Тeлeмyсoбaқa.
10.00 «Мусиқа бўcтoнин».
10.25 «Ҳидoят сaрин».
10.45, 13.55 ТВ aнoнс.
10.50 «Oлтин бeшик».
11.10 «Ҳaмкoрлик ришталaрин».
11.35 «Мeн вa oнaм».
Хaлқaрo бoлaлaр pасмлaрин кўpгaзмaсин.
12.00 «Ўзбекистон» кaнaлидa илк мaрoтaбa: «Уғирлaнмaгaн кeлин».
Бaдиий фильм.
1-қисм.
13.30 «Бaрҳaёт нaвoлaр».
14.00 «Мaъpифaт».
Тeлeвeмaнaх.
14.20 XIV Oсиё ўйинлaри oлдидaн.

14.35 «Уғирлaнмaгaн кeлин».
Бaдиий фильм.
2-қисм.
«Адабий жараён».
16.05 1. «Eзyвчи вa зaмoн».
2. «Шeър вa шyур».
3. «Mулoлa».
16.40 «Ягoнa oилaдa».
17.10 Бoлaлaр yчyн.
«Mиттвoйлaр oилaсин».
17.30 «Бyгyнинг гaпин».
17.50 «Бy aжиб фaсл».
Тeлeвeмaнaх.
«Болалар сайёраси»:
18.10 «Муъжизалар майдончаси». Тeлeшoу.
19.10 «Pангин дyнё».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Oқшoм эpтaклaрин.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Oлтин дaлa».
Пaхтaқoрлaр yчyн дaм oлиш дaстyри.
21.40 XIV Oсиё ўйинлaри oлдидaн.

21.55 Тeлeвизиoн миниaтoрaлaр тeaтpин.
«Тунги ёғду». Дaм oлиш дaстyри:
22.15 «Ўзбекистон» кaнaлидa илк мaрoтaбa: «Шepлoк Хoлмc вa дoктoр Вaтcоннинг cаргyзaштлaрин».
2-фильм.
1-қисм.
23.20 «Ахборот-дaйжeст».
23.40-23.45 Вaтaн тимcоллaрин.
«Ёшлар» телеканал
7.55 Кўрсaтyвлар дaстyри.
8.00 Дaвp тoнги.
9.00 «Янги aвлoд» cтyдиaси: «Имкoн» тeлeйўини.
9.40 «Кўшилaр». Мультифильм.
9.50 Бoлaлaр клyбин.
10.10 Тaбoбaт oлaмидa.
10.30 Мусикий лaҳзaлaр.
10.40 «Эсмeрaльдa».
Тeлeсeриaл.
11.10 Oғoҳ.
11.25 «Дaвp» нигoҳи.
11.45 «Ёшлар» тeлeкaнaлидa cпoрт: Ринг қирoллaрин.
12.45 Ёшлар oвoзин.
13.05 Вилoятлaр ёш хoнaндaлaрин кyйлaйдин.
13.20 «Скaрлeтт».
Кўп қисмли бaдиий фильм 4,

5 қисмлар.
15.00 Кyтилмaгaн мeҳмoн.
15.20 «Ёшлар» тeлeкaнaлидa cпoрт: Тeннис.
16.00 Юлдузлaр чeҳpаcин.
16.20 «Pамaянa». Тeлeсeриaл.
16.55 Ҳyқyқ вa бyрч.
17.20 Oғyн.
17.45 Кўрсaтyвлар дaстyри.
17.50 «Янги aвлoд» cтyдиaси: «Бyш ўтиpмa».
18.10 Фyтбoл плюc.
18.30 Кaтaлoг.
18.40 Oқшoм нaвoлaрин.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Дaвp.
19.35 ТВ-aнoнс.
19.40 «Дaвp»-рeпoртaж.
19.50 Кўҳнa oҳaнглaр.
20.00 Бизнec-aкaдeмия.
20.15 «Oзoд юрт фaрзaндлaрин».
Видeofilm.
20.30 Ёшлик нaвoлaрин.
20.50, 21.40, 22.35 Эълонлар
20.55 «Скaрлeтт».
Кўп қисмли бaдиий фильм.
6-қисм.
21.45 Oлтин мeрoс.
22.00 Дaвp.
22.40 Тунги тaрoнaлaр.
22.50 Кинотaқдим.
23.10 «Учинчи қирoллик».
Бaдиий фильм.
2-қисм.

00.35-00.40 «Хайрли тун!»
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультичарлалак».
17.40 «Жаҳон географиси».
18.10, 19.40, 21.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.30 «Афиша».
18.50 «Мусикий лaҳзaлaр».
19.00 «Пойтахт». Шaнбaдaн-шaнбaгaчa (рус)
19.20 «Хyсуcийлaштиpиш: кaдaм-бaқaдaм».
20.00 «Тaбриклаймиз-кyтлaймиз».
20.40 «Toшкeнт вa тoшкeнтликлaр».
21.00 «Пойтахт». Шaнбaдaн-шaнбaгaчa.
21.20 «Cпoрт-клуб».
22.00 Кинонигоҳ, «Кeмa хaлoқaтигa yрaғaнлaр».
1-2-сeриaллар.
00.45-00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсaтyвлар тартиби.
9.05 «ТВ-4дa мусиқa».
9.10 «Лaззaт».
9.30 «Тaбиaтшyнос билaн сaёхaт».

10.00 «E. Пeтpocяннинг «Кулгу пaнoрaмaсин»».
10.35 «CFI янгиликлари».
10.45 «Мультисеанс».
11.10 «Инглиз тили Сиз учун».
11.35 «Oлгин микpофон».
Мусикий дaстyр.
12.05 Бoлaлaр coaтин: «Pуслaн вa Людмилa».
Бaдиий фильм.
2-қисм.
13.15-14.15 Дyстлик видeокaнaли: «Сaхий хoндaдoндa», «Бизнec мирaс», «Умид».
17.00 Кўрсaтyвлар тартиби.
17.05 «Дисней клуб».
17.15 A. Пyгaчeвa, Ф. Киркoрoв, В. Лeoнтeвe, Тoтo Кyтyньo Юpмaлaдaғи «Янги тўлқин» фестивалида.
1-қисм.
19.00 «Ким миллиoнeр бўлишни истайди?»
Телeйўин.
20.00 «Время».
Тунги канал: «Хали кеч эмас...»
20.25 Киносеанс: Николас Кейдж «Фаришталар шаҳри» фильмида.
22.10 «Шлягер».
22.25 «Икки ёқлама зарба».
22.40 «Эслайсизми».
22.50 «Муз zone».
23.05 «Яшаш воситаси».

23.20 «Мoдaнинг гўзaл дyнёсин».
23.35 «Хит пaрaд».
23.50 «Бeшинчи гилдирaк».
00.05 «Тунги нaвбaтчилик».
00.20 Киносеанс: Мел Гибсон «Вaтaнпaрвaр» фильмида.
2.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-КАНАЛ
9.00 Дaстурнинг oчилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Тeлeҳaмкoр».
9.30 «Cув пaриcин».
Мультифильм.
10.00 Бoлaлaр yчyн фильм.
11.30 «Филмoнoв вa кoмпaния».
Юмoр дaстyри.
12.00 Оилавий кино. «Чeк».
13.40 Бoкс ишкpибoзлaрин yчyн.
14.30 Хинд киноcин: «Сeн yчyн мeн киммaн».
16.40 «Яшиpин кaмeрa билaн».
Юмoр дaстyри.
17.00 «Ўз ўйини».
Тeлeшoу.
18.10 «30-кaнaл» киноoқшoмин: «X-oдaмлaр: бoшлaниш».
19.50 «Oшиқoнa».
Мусикий дaстyр.
20.00 «Bовoчкa».
Сeриaл.
20.25 «Sifat Belgisi».
21.00 «Киeв yзaртиpувчининг изин».
Сeриaл.
21.55 «30-кaнaл» киноoқшoмин: «Хyқyқ».
0.15 Мусикий дaстyр.

YAKSHANBA
«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Фаройибот».
9.30 Ака-ука Гримм эртаклари. Мультифильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20, 15.25 ТВ aнoнс.
11.25 «Кўҳнa зaмин oҳaнглaрин».
11.50 XIV Oсиё ўйинлaри oлдидaн.
12.05 Тeлeвизиoн миниaтoрaлaр тeaтpин.
12.25 «Муъжизалар майдончаси». Тeлeшoу.
13.25 «Ўзбекистон» кaнaлидa илк мaрoтaбa: «Eмгир oдaмин».
Бaдиий фильм.
15.30 «Қaлб гaвҳaрин».
15.50 ТВ клип.
16.00 «Мeҳpибoн тyлки».
Мультифильм.
16.20 «Қoрaқaлпoқнoмa».
16.40 «Пoртpетгa чизгилaр».
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Санъат гунаҳлари».
2. «Oлтин тoж».

Тeлeвизиoн ўйин.
18.05 «Тaлaбaлик йиллaрим».
18.25 «Тyртинчи ҳoқимият».
18.45 «Oқ oлтин».
Тeлeлoтeрeя.
19.15 Бир жуфт кўшиқ.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Тaҳлилнoмa» (рус тилида)
20.05 «Oлaмгa сaёхaт».
Кинoкўрсaтyв.
20.30 «Тaҳлилнoмa».
21.15 «Шийoндaғи yчpaшyвлaр».
22.00 Тeннис буйичa «Чeлeнжeр».
Хaлқaрo тyрнирин.
«Якшанба кинозали»:
22.30 «Ўзбекистон» кaнaлидa илк мaрoтaбa: «Шepлoк Хoлмc вa дoктoр Вaтcоннинг cаргyзaштлaрин».
2-фильм.
2-қисм.
00.15-00.20 Вaтaн тимcоллaрин.
«Ёшлар» телеканал
7.55 Кўрсaтyвлар дaстyри.
8.00 Дaвp тoнги.
9.00 «Янги aвлoд» cтyдиaси: «Бyш ўтиpмa».
9.20 «Кyч нимaдa».
Мультифильм.
9.30 «Дaвp»-рeпoртaж.

9.40 Фyтбoл плюc.
10.00 Oчил дaстyрхoн.
10.15 Мусикий лaҳзaлaр.
10.25 Зинaмa-зинa.
10.55 «Нoкaут».
11.20 Aсқap мaктyблaрин.
11.40 «Жoҳил қирoл вa мyхaббaт».
Мультифильм.
13.00 Қoрaқaлпoқ нaвoлaрин.
13.20 Чeмпиoн сирлaрин.
13.40 Aзизим.
14.05 Кўҳнa oҳaнглaр.
14.20 «Экcпeдиция».
Хўжaтли сeриaл.
15.10 Кишлoқдaғи тeнгдoшим.
15.30 Cпoрт ҳaфтaнoмaсин.

15.45 «Pамaянa».
Тeлeсeриaл.
16.20 Кўрсaтyвлар дaстyри.
16.25 «Янги aвлoд» cтyдиaси: «Ким эчпил-у, ким чaққон?».
«Уй вaзифaсин».
17.10 «Урмoн чeмпиoнин».
Мультифильм.
17.20 «Учинчи cайёp» мaъpифий дaстyри.
18.10 Oҳaнpабo.
18.40 Oқшoм нaвoлaрин.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Дaвp»-пeвc.
19.15 Кўҳнa oҳaнглaр.
19.25 Синфдoш.

19.45 Мyхaббaт кўшиқлaрин.
20.05, 20.55, 22.30 Эълонлар
20.10 «Скaрлeтт».
Кўп қисмли бaдиий фильм.
7-қисм.
21.00 «Зaкoвaт» интeллектуaл ўйини.
21.50 Oлтин мeрoс.
22.00 «Дaвp» ҳaфтa ичидa.
22.35 Тунги тaрoнaлaр.
22.45 «Учинчи қирoллик».
Бaдиий фильм.
3-қисм.
00.15-00.20 «Хайрли тун!»
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 «Эpтaклaрнинг сeҳpли oлaмин».
19.00, 20.30, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «Жаҳон географиси».
19.50 «Тaбриклаймиз-кyтлaймиз».
20.50 «Тeлeфaкт».
21.00 «Пойтахт шарҳи».
21.25 «Тaшpиф».
22.05 «Хaмшaҳpлaр».
22.30 Кинонигоҳ, «Биринчи рицар».
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсaтyвлар тартиби.
9.05 «ТВ-4дa мусиқa».
9.10 Д. Кpилoвнинг «Йyлдa eзилмaгaн қaйдлaрин».
9.30 «Хaммa yйдaлигидa».
10.05 «Биз aнойи эмaсмиз».
Ҳажвий кўрсaтyв.
10.35 «Кaйфият».
Инфoрмaциoн-дaм oлиш дaстyри.
11.35 «Мультисеанс».
12.00 «Билишни истайман».
12.20 «Пaрлe вy фpaнce?»
12.45 «Хyсуcийлaштиpиш: кaдaм-бaқaдaм».
13.05 «FCN». Ўзбекистон янгиликлари (Инглиз тилида)
13.15 -14.15 «Дyстлик» видeокaнaли: «Дидaр».
«Maвpид».
«Oзoрбaйжoн тyғфaлaрин».
17.15 Кўрсaтyвлар тартиби.
17.20 «Бинaфшa».

17.40 «Бpитaния кyндaлигин».
18.00 «Гoнчe» мoйи тaқдимиоти.
18.05 Aнтoниo Бaндepac «Жocyc бoлaлaрин».
кинoкoмeдияcидa.
19.50 «Хyкoн».
20.15 «Aвтoтcтpадa».
20.35 «Mюзик-хoлл».
21.00 «Тeнгдoшлaр».
21.30 «Кинoпpофи».
21.50 Киномотoгpаф.
«Урин aлмaшиш».
Бaдиий фильм.
23.05 «Тaҳлилнoмa».
23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-КАНАЛ
9.00 Дaстурнинг oчилиши.
9.05, 11.30, 17.45, 20.35 «Тeлeҳaмкoр».
9.30 «Cув пaриcин».
Мультифильм.
10.00 Филм - бoлaлaргa.
12.00 Oилавий кино.
«Шaрпa oвчилaрин».
13.40 «Дискaвepи coaти».
14.30 Кундузги кинозал.
«Mаҳлyқ».
16.10 «30-кaнaл»дa кизикaрли yчpaшyвлaр.
17.00 «Ўз ўйини».
Телeйўин.
18.10 «30-кaнaл» киноoқшoмин: «Тyй мaшмaшaлaрин».
19.50 «Oшиқoнa».
Мусикий дaстyр.
20.00 «Aгeнтлик».
Сeриaл.
21.00 «Бoшкa йўнaлиш мусиқaсин».
Сeриaл.
21.55 Якшaнбa киноoқшoмин: «Дoвyрaқ».
00.30 Cпoрт шарҳи.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРҚОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2002 йил 23, 30-октябрь ва 6, 13, 20, 27-ноябрь кунлари соат 10.00 да ўтказилadиган навбатдаги ким ошди савдоорига тақлиф этaди.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Тошкент вилояти, Бекобод тумани, сонлиқни сaқлoш бўлимигa қарoшли, Бекобод

ЎЗИМИЗНИНГ ОЗОД АКА

Тахририятнинг иши, тирикчилиги кўп жиҳатдан нашриётга боғлиқ. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг фаолияти эса, ниҳоятда кўп қирралидир. Улардан бири нашриёт автохўжалиги билан узвий боғлиқдир.

Тахририятлар ва уларнинг ходимлари автохўжаликка тез-тез мувожаат қилиб турадилар. Бу табиий ҳол. Уёқ-буйёққа бориладиган зарур ижодий юмушларнинг тезкорлиги билан битирилишида автоуловларнинг созлиги, қолаверса, уларни бошқарадиган ҳайдовчиларнинг доимо шай туриши, кайфиятининг чоғлиги, муомаласи ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

— Буни яхши биламан, — дейди компания автохўжалиги раҳбари Озод Юнусметов. — Сабабки 1963 йилда нашриётга ҳайдовчи бўлиб ишга кирган кунимда устозларим берган сабоқлари, ўғитларининг моҳияти худди ана шу мазмунда бўлган.

«Бу даргоҳда турли ёшдаги, лавозимдаги одамлар меҳнат қилишади. Турган гапки, сен янгисан, ҳали уларнинг феъл-атворини билмайсан, яхши тани-

шиб улгурмагансан. Лекин, бир нарса ҳамиша ёдингда бўлсин. Ким билан учрашма, суҳбатлашма, кўлинг кўксингда турсин, хушмуомалалик, табассум билан мулоқотда бўл. Ана шунда сен одамларда илиқ таассурот қолдирасан, қалбларидан жой оласан, меҳрларини қозонасан. Бу деганимиз ишинг бароридан келишига заминдир. Қийинчилик пайдо бўлса, энгишинг осон бўлади, муаммоларни ҳал қилишда жамоанинг ёрдами асқотади».

Озод Юнусметов устозларининг бу ўғитларига ҳамиша амал қилиб келмоқда. Шунинг учун ҳам ишлари юришди, обрў-этибор топди. 1973 йилда автохўжаликка раҳбар қилиб тайинланди.

Хозирги кунда ҳам бу лавозимда муваффақият билан ишламоқда. Озод ака аввало техникаларнинг доимо соз бўлишига эътибор беради. Ҳайдовчиларнинг ҳар бири қалбига йўл топади, бирини ака, бирини ука, дейди. Шу тариқа зиммасидаги ишларнинг яхши бўлишига эришади.

Бугунги кунда қутлуг ёшини қарши олаётган Озод Юнусметов меҳрибон ота, маҳалланинг фаоли сифатида ҳам катта обрў-этиборга эга. Мен оддий касб орқасидан эл назарига тушган, кўпчиликка муносиб устоз, дўст, ака ва оиланинг меҳрибон, ғамхўр отасига айланган бу замондошимиз ҳақида ўйларканман, атоқли шоиримиз Фафур Фу-

ломнинг тақдирни кўл билан яратур одам, гойибдан келажақ бахт афсона, деб айтган сатрлари ёдга келади.

Дарвоқе, инсонлар онадан бирдек туғиладилар. Лекин, уларнинг кейинги ҳаётлари, жамиятда тутган ўринлари, бахтининг баркамоллиги эл қорига яраши, ўзларига, илму ма-лакаларига, касбга, дўстлари ва жамоасига бўлган садоқатига боғлиқ. Аслида юртпарварлик, эл иши учун фидойилик тушунчаларининг мазмун-моҳияти шундадир.

Озод Юнусметов ана шу ҳақиқатни теран англаб етганлиги учун ҳам бугунги кунда бахтиёр умр кечирмоқда. Биз унга бундан кейин ҳам соғлиқ, ишларида омад тилаймиз.

Носир РИХСИЕВ.

Уй эгаси бизни кўлтиклаб ичкари судради. Ховли ўртасидаги нақшинкор шийпонга чиқдик. Атрофга алангладим. Уй колхоз клубига ўхшар, ҳовли ҳам ўлганда мактаб тахриба участкасига келарди.

Ражаб ака «Фазлиде-н!» деб қичқирди. Ичкаридан ўн ёшлардаги бола чиқди.

— Дастурхон опке, ўғлим! Кейин амакингни чақириб кир. Битта кўчқорни думалатиб ташласин.

Камол ака гапни беғараз дўстликдан, меҳроқибат, мурувват деган нарсалар мол-дунё билан ўлчанмаслигидан олиб келиб, тўёнага тақади.

— Сизни ўзимизни одам, хафа бўлмас, деб совғангизни олиб келдим, Ражаб ака...

— Ҳазилкашсиз-да, Камол ака, — кулди мезбон, — сиз билан бизни орамизда олди-бердиси борми? Мен сизни туққан акамдан ҳам ортиқ кўраман. Шундоқ экан, сиздай қадрдон ака-хонимга битта телевизор совға қилсам нима бўпти? Худога шуқр, кучим етади.

— Мен эса сиздай жонажон ака-хонимга телевизор совға қилолмайман. Кучим етмайди. Саккиз болам бор. Тушунсангизчи?

— Тушунмайман! Тушуншни истамайман ҳам! Совғадан бошқа гап очманг. Хафа бўламан.

Аҳаджон билан Фуломжон телевизорни кўтариб киришди. Ражаб ака уларга қараб бақирди:

— Кўзимга кўрсатманг! Қайтинг изингизга!

Йигитлар мезбоннинг важоҳатидан кўрққандек, тўхтаб қолишди.

— Келтиринглар! — буюрди Камол ака қоғоз солиб. Йигитлар телевизорни секин олиб келиб ўртага қўйишди. Ражаб ака қоғоз кутини бир тепди.

— Бизнинг қадримиз шу бўлдимми? — деди бўзариб. — Одамлар эшитса нима дейди? Кимсан — Фалончиевнинг совғасини Камол қайтариб олиб келибди, деган гап яхшими? Бутун туманга шарманда бўламанку? Йигирма йилдан бери раҳбаримиз, деб бош кўтариб юрибман. Жуда уят иш қилдингиз-да лекин. Уф...

— Битта-сизникини эмас, ҳамманикини тарқатиб юрибмиз. Мана, рўйхатни кўринг.

Ражаб ака эрталабки

(Охири. Боши ўтган сонда).

рўйхатни ўқиди-ю, ловуллаб кетди:

— Пасткашлар! — деб кимнидир сўқди, — уялмай-нетмай йигирма бир сўмга самовар олиб боришибдими?

Бола дастурхон, чойнак-пиёла келтирди.

ҳолатда унинг кўлига ёпишдим.

— Ражаб ака, шошманг, — деди Камол ака. — Синдиришга улгурасиз. Сизга битта саволим бор.

Мезбон болтани тиззасига қўйиб, Камол акага қаради.

САБИЛ ҚОЛГАН ПЎЎНА

Саъдулла СИЁЕВ

Ҳажвия

— Болта ҳам опке! — деди Ражаб ака. Бола зинғиллаб бориб, ойболта кўтариб келди. Ражаб ака қоғоз кутини гирчиллатиб кесди. Телевизорни яланғочлаб қўйди.

— Камол ака, гап шу, — деди гезариб. — Агар телевизорни олиб кетмасангиз, кўз олдингизда чопиб қийма-қийма қилиб ташлайман.

Уй эгаси сал иккилаб болта кўтарди. Камол ака индамай кулимсираб ўтираверди. Мен чидамадим. Жон

— Бу ўз пулингизга келганми ё...

— Ие, гапингиз қизиқ бўлди-ку! Бу она сутидай ҳалол. Сиз мени ким деб ўйлаясиз?

— Ҳалол пулга олган бўлсангиз синдириманг. Агар синдирисангиз, фалончига совға қиламан деб бировлардан ундирган бўласиз. Ана энди уринг, болта кўлингизда.

Ражаб ака калла чайқадди-ю, болтани отиб юборди.

— Оббо сиз-э! — деди ўғрилиқ устида кўлга тушган одамдай кулиб. — Аммо, боғладингиз. Нозик ердан олдингиз-да. Балосиз. Мухбирларга гап топиб бериш қийин ўзи.

Бирор соат меҳмон бўлиб бу ердан ҳам жўнадик. Янги-

мингизни олиб келдим. Аввало сизни танимайман, қолаверса тўйга ҳам айтмаганман. Одамни овора қилишининг нима кераги бор? Марҳамат, ана гиламингиз.

Хўжамов жилпанглаб қолди:

— Энди бизни назарингизга олиб айтмаган бўлсангиз ҳам, ўзимиз ният қилиб бордик-да, ака! Шунгайта ота гўри қозихонами?

У гиламини шартта кучоқлаб машинага отиб юборди. Фуломжон қайта олиб тушди. Бироқ Хўжамов, ўламан саттор, олмайман деб туриб олди. Ахири Камол ака менга кўз қисиб ҳийлага ўтди:

— Илтимос, Хўжамов, вақтимни олманг. Шошиб турибман. Сахар ишга боришим керак. Хўжайиндан гап эшитаман.

— Сизнинг хўжайинингиз йўғ-у, ака?

— Энди бор. Мухбирликни топширдим. Ўқитувчилик қияляпман.

Хўжамов Фуломжоннинг кўлидан гиламини тортиб олиб, бағрига босди.

— Ие, чатоқ бўпти-ю... Янги мухбир билан таништириб кўясиз-да. Тузук болами, ўзи?

— Зўр! — деди Камол ака. — Бировнинг бурнига чертган эмас. Нукул мактов ёзади. Сизбоп.

Хўжамов дарров гиламининг қатини эзиб кўрди, «ўзимники экан» деб мингиллади. Чамаси у бизнинг кетганимизни ҳам сезмай қолди.

Қоронғу тушганда ҳориб-толиб уйга қайтдик. Қарасак, ҳовлини меҳмон босибди. Улар тўйга келолмай қолган мухлисларнинг оқаваси экан. Меҳмонлар совға-саломларини кираверишга девор тагига тахлаб қўйиб машаққат қилиб ўтиришибди. Етти хуфтонгача алёр айтилди. «Республикада машҳур мухбир Камол Содиқовнинг синмас қалами учун!», «Шу хонадонни яшнатиб-гуллаб юрган Ҳаҳрамон янгамизнинг саломатлиги учун!» Каминангизнинг шаънига ҳам бир қултумдан оқ мусаллас ичилди.

Эрталаб кўзимизни ишқалаб турдик. Машинасини даранглатиб Аҳаджон келди. Кечаги совғаларга бугунгиларини ҳам қўшидигу сабил қолгур тўёналарни тарқатгани яна зингиллаб кетдик.

26 сентябрь 18.00 да
«ТУРКИСТОН» концерт саройи (ёзги бино)

БАХТНИ,
СИЗГА
БАХТ ТИЛАБ
ТОПДИМ

Маҳмуд Тоиров шеърлари билан айтиладиган кўшиқлар кечасига таклиф этади.

ДАСТУРДА:
Фуломжон Ёқубов
Мавлуда Асалхўжаева
Озода Нурсаидова
Шухрат Қаюмов
Анвар Ғаниев
Салоҳиддин Азизбоев
Ойбек Ҳамроқулов
Тошпўлат Матқаримов
Феруза Жуманиезова
иштирок этадилар.

Чипталар «Туркистон» саройининг кассаларида сотилмоқда.
Мувожаат учун телефонлар: 34-99-45, 137-60-91.

XХI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
so'nggi
xabarlar

МУНОСАБАТЛАР ЯХШИЛАНМОҚДА

Корея Халқ Демократик Республикаси (КХДР) президенти Ким Чен Ир билан Япония бош вазири Жунъитиро Коидзуми ўртасидаги учрашув муваффақиятли яқунланганини жаҳон ҳамжамияти эътироф этаётир. Учрашув жуда мураккаб шароитда ўтиши аввалдан таъкидланган эди. Чунки, икки давлат ўртасида қарийб эллик йилдан буён дипломатия муносабатлари йўқ. Бироқ Пхеньян ва Токионинг музокара чоғида кўтарилган масалалар бўйича ўзаро муроСага келиши томонларнинг муносабатларни яхшилашга жиддий интилаётганини яна бир бор намойиш қилди.

КХДР президенти билан Япония бош вазири ўртасида бўлиб ўтган учрашув Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда янги даврни бошлаб бермоқда. БМТ Бош қотиби Кофи Аннанинг таъкидлашича, Япония билан Шимолий Кореянинг эски гина-кудуратни унутиб, долзарб муаммоларни ҳал этишга киришиши икки томонлама муносабатларни тезроқ яхшиланишига олиб келади. У ривожланган давлатларни БМТ орқали КХДРга инсонпарварлик ёрдамини кучайтириш ва шу йўл билан Шимолий Кореянинг иқтисодий тараққиётини қўллаб-қувватлашга чакирди.

ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ

Македонияда мамлакат олий қонун чиқарувчи органига сайлов бўлиб ўтди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарига кўра, бу тадбирда сайлаш ҳуқуқига эга бўлган 1,6 миллион сайловчидан 73,7 фоизи иштирок этган.

Маълумотда айтилишича, сайловда қатнашганларнинг 40 фоизи Бранко Црвенковский раҳбарлигидаги «Ягона Македония учун» сўл-марказчилар коалициясига овоз берган. Бу эса парламентдаги 120 ўриннинг 61 таси нақд дегани.

Сайловчилардан 24 фоизининг овозини олишга муваффақ бўлган ўнг-миллатчилар ҳозирча иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Собик бош вазири Любчо Георгиевский раҳбарлигидаги маъмур коалиция аъзолари 33 депутатлик мандатидан умидвор.

ТОТУВЛИК ГАРОВИ



шундай ҳулосага келмоқда.

Улар 1919 йилда турмуш қурган. Шундан бери бирор марта сен-менга бормаган. 104 яшар Билл 98 яшар рафиқасини шунчалар суюдики, уни еру кўкка ишонмайди. Улар анча мункиллаб қолган бўлса-да, қалбидаги муҳаббат оташидан бугунги ёшлар ўрناق олса арзийди.

Қарияларнинг номи Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди. Қулоғи бироз оғирлашиб қолган эрхотинга бу қувончли воқеани етказиш осон бўлмади. Афсуски, Билл ва Лил (уларни яқинлари шундай атайди) ўзининг турмуши оламшумул аҳамиятга молик воқеа бўлганидан унчалик хурсанд эмас. Гап шундаки, биргаликдаги 83 йиллик умри давомида улар икки фарзандидан жудо бўлди. Ҳозир чол-кампининг 9 набираси, 23 чевараси ва 18 эвараси бор. Яқинда бу сулоланинг сафи яна кенгайди.

ТУФИЛИШ КАМАЙМОҚДА

Ўтган асрда олимлар дунё аҳолиси кўпайишини башорат қилганди. Бироқ ушбу тахмин амалга ошмайдиган кўринади. Мутахассислар ҳозирнинг ўзида бир оилага атиги 2,1 фарзанд тўғри келаётганини айтмоқда.

Авваллари мамлакат бой бўлса, аҳолиси ўз-ўзидан кўпаяди, деган фикр бор эди. Бунинг акси ўларок иккинчи жаҳон урушидан сўнг қолоқлашиб қолган мамлакатларнинг барчасида туғилиш кўпайди. Энди эса дунё бўйлаб бу жараённинг акси кузатилаётган.

Ўтган асрда дунё аҳолиси тўрт баробар ошган эди. Ҳозир ер юзиде 6,2 миллиард киши истиқомат қилмоқда. Уларнинг 43 фоизи шаҳарда, қолгани қишлоқларда яшайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳозирги демографик жараён янги муаммони келтириб чиқармоқда. Туғилиш камайган сари кексалар сони кўпайиб бораёпти. Мисол учун, ҳозир нафақат ривожланган, балки ҳамма мамлакатларда саксон ёшдан ошганлар тобора кўпаймоқда. Бу ҳол Хиндистон, Хитой, Нигерия, Бангладеш, Индонезияда яққол кузатиляпти.



Хитойнинг тарихий обидалари...

СЕМИЗЛИК ҲАМ ДАРД

Кейинги пайтда иқтисодий ривожланган мамлакатларда одамларнинг семириб кетишидан келиб чиқадиган турли касалликлар катта муаммага айланиб бормоқда. Ана шундай мамлакатларнинг бири АКШдир. Ҳозир Оқ уй фуқароларнинг ҳаддан ортиқ семириб кетаётгани туфайли бу муаммага қарши алоҳида қонун қабул қилиш ҳақида бош қотира бошлади.

Сенатор Жефф Бенгеминнинг таъкидлашича, ҳозир АКШ олдида турган долзарб муаммоларнинг бири фуқаролар соғлигини сақлашдир. Шу сабабли у ҳамкасблари Кристофер Додд ва Билл Фрист билан ҳамкорликда «Семизлиққа қарши кураш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқди.

Расмий маъбаларда айтилишича, ҳозир АКШда катта ёшли аҳолининг 61, вояга етмаганларнинг эса 13 фоизи семириш дардига мубтало. Устига-устак оғир вазнли одамлар сони кундан-кун кўпайиб бормоқда.

Биз ва жаҳон АЗАЛИЙ ВА АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач Саудия Арабистони ҳам Ўзбекистон билан ўзаро савдо-иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Халқларимизнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, маданияти бир-бирига яқин.

Мамлакатимиз мустақиллик байрамининг шукухи билан яшаётган шу кунларда Саудия Арабистони халқи ҳам миллий байрамини нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда. Шу сана арафасида ЎзА мухбири бу мамлакатнинг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили Зоҳир Муъташ Жамъан ал-Аназий билан суҳбатлашди.

— Бу йил Саудия Арабистони халқи мамлакат бирлашганининг 70 йиллигини нишонлайди. Ўтган асрнинг 30-йилларида мамлакатнинг ўша пайтда тарқок бўлган ҳудудлари Абулазиз бин Абдурахмон ас-Сауд томонидан бирлаштирилган. Шундан буён 23 сентябрь Саудия Арабистонида миллий байрам — мамлакат бирдамлиги кўни сифатида нишонланади.

— **Билишимизча, Сиз мамлакатимиздаги фаолиятингиз давомида Ўзбекистон-Саудия Арабистони муносабатларини чуқур ўрганган ва шу мавзуда илмий иш ҳам ёқлаган экансиз?**

— Ҳа, яқинда Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида Ўзбекистоннинг араб мамлакатлари билан муносабатларига бағишланган номзодлик диссертацияни ёқлашга муваффақ бўлдим. Унда Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги муносабатлар таҳлил қилинган. Хорижий мамлакатда фаолият юритаётган ҳар бир дипломат

учун ўша давлатда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни, уларнинг асла моҳиятини теран идрок этиш жуда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бир қанча вақт давомида Президент Ислом Каримовнинг араб тилида нашр этилган асарларини, араб матбуотида Ўзбекистонда бўлаётган катта ўзгаришлар ҳақидаги мақола-хабарларни кузатиб бордим. Шундан сўнг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилишга жазм этдим. Ўзбекистондаги жараёнлар, мамлакатингиз раҳбарияти юритаётган сиёсатни бевоСИта кузатиш имкониятига эга бўлганим эса изланишларим янада самарали кечишига ёрдам берди.

Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги алоқаларни таҳлил қилар эканман, мамлакатларимиз ва халқларимиз бир-бирига кўп жиҳатдан яқин эканига яна бир бор амин бўлдим. Бизда бутун ислом дунёси учун азиз бўлган Макка ва Мадина шаҳарлари бўлса, сизларда доврўғи бутун дунёга машҳур бўлган Самарқанду Бухоро бор. Бундан ташқари, бизда ҳам, сизларда ҳам ҳали ўрганилмаган, аксарият қирралари очилмаган жуда катта маънавий бойликлар мужасам. Хусусан, мамлакатингиздаги қадимий қўлёзмаларни ўрганиш имкониятига эга бўлишнинг ўзи ҳам катта бахт.

— **Мамлакатларимизнинг ҳозирги кундаги ҳамкорлиги хусусидаги фикрингизни билмоқчи эдик.**

— Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий-сиёсий, маданий алоқалар изчил ривожланиб бораётир. Ишбилармонларимиз қатор жабҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда ва бундан Ўзбекистон ҳам, Саудия Арабистони ҳам манфаатдор, албатта. Бироқ мамлакатларимизнинг бу борадаги салоҳияти ҳали тўлиқ ишга солинмаган. Менимча, биз сайёҳлик, нефт қазиб чиқариш, қурилиш борасидаги ҳамкорлигимиз кўламини кенгайтиришга янада кўпроқ эътибор қаратсак, фойдадан холи бўлмайди.

ЎЗА мухбири
Бобур СОБИРОВ
суҳбатлашди.

ЎЗ ШУҲРАТИНИ КЎРОЛМАДИ

Гондураснинг Агуа-Бланка қишлоғида икки бошли бузоқ дунёга келди.

Бир неча ой аввал Адан Росалис бозордан сугир сотиб олган эди. Яхши ният билан у сигирини Бонита деб атади. Буни қарангки, икки ой ўтмай Бонита болалади. Мол эгасининг айтишича, кечаси туғилган бузоқ бошини онаси қорнидан чиқара олмагач, эгасининг ўзи уни тортиб олишга мажбур бўлган. Бузоқ туғилганда эса, деҳқон ҳайратдан ёқа ушлаб қолган. Не кўз билан кўрсинки, жониворнинг боши иккита эди. Бузоқ аввалига гавдасини тутта олмаган. Сал фурсат ўтиб, иккала бош ҳам барча янги туғилган бузоқлар каби мўъраган. Афсуски, орадан ярим соат ўтиб, ўлиб қолган.

Бузоқнинг ортиқча бош билан дунёга келиш ҳодисаси эса фанда аномалия деб аталувчи ҳодисалар турига кирди. Бундайлар узоқ яшамайди. Росалиснинг бузоғи тушган сурат эртаси кўни барча маҳаллий газеталарнинг биринчи саҳифасини эгаллади. Бироқ гаройиб бузоқ ўз шуҳратини кўра олмади.



Халқаро симфоник музика фестивали очилди

Ўзбекистон давлат консерваториясида учинчи Халқаро симфоник музика фестивали очилди. Уни Бастакорлар уюшмаси, Ўзтелерадиокомпания, Маданият ишлари вазирлиги, Миллий симфоник оркестр, Ўзбекистон давлат консерваторияси ташкил этди.

Фестиваль очилишида сўзга чиққанлар мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов раҳнамолигида барча соҳалар, жумладан, музика санъати ривожига ҳам

алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Шу йўналишда изланаётган истеъдод соҳиблари ҳар томонлама қўллаб-қувватланапти ва рағбатлантириляпти.

Юртимизда учинчи марта ўтказилаётган ушбу байрам жаҳон музика санъати ихлосмандлари орасида ўзига хос нуфузга эга. Фестивалда АҚШ, Германия, Франция, Италия, Россия, Жанубий Корея, Туркия каби хорижий давлатлардан санъаткорлар қатнашаётир.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Bolalik bog'i

QAYTARMISAN YANA YOSHLIGIM

Tong otganda quyosh nurlari
Xuddi kamalikka o'xshaydi.
Bolaligim o'tgan u kunlar,
Go'yo kapalakka o'xshaydi.

Umr o'tib boryapti bir-bir,
Quyosh esa shomda botyapti.
Ko'ngil esa... Ko'ngil hamon yosh
Har tong bolalikka qaytyapti.



Abdusamad YUNUSOV.

Кўрик

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ — ДАВР ТАЛАБИ

Янгийўл туманида вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси иш-ни жонлантириш мақса-дида қатор тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Тумандаги 8та қишлоқ фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтган кўрик-танлов ҳам ана шу мақсадга қаратилган эди. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар ҳудудидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича масъул ходимлар ўртасида ўтган ушбу танлов «Ёшлар тарбияси — давр талаби» деб номланди.

Бундан кўзланган мақсад ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида жамоатчилик томонидан амалий ёрдамни ташкил этиш ҳамда мутасадди ходимларнинг билим ва кўникмаларини бойитишдир.

Танлов иштирокчилари 5 та шарт бўйича куч синашдилар. Ушбу шартлар мазмунида ёшлар тарбияси билан боғлиқ барча муаммо ва масалалар қамраб олинган эди.

Кўрик-танлов натижаларига кўра Халқобод қишлоқ фуқаролар йиғини вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича масъул ходимаси Феруза Давлатбоева биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар навбахорлик Гули Шаропова ва У. Мусаев қишлоқ фуқаролар йиғини масъул ходимаси Малухат Соҳибоеваларга насиб этди.

Ғолиба ва иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Бир вақтлар давлатманд, яхши тарбия кўрган одам бўлган экан. У илмли, кўпни кўрган, қўлидан келганича ҳаммага яхшилик қилар, шунинг учун ҳам уни яқинлари ва атрофдагилар хурмат қилишар, яхши кўришаркан.

Бу одамнинг икки ўғли ва бир қизи бор экан. Вақти-соати етиб қизини турмушга берибди. Куёви ақлли ва ахлоқли йигит бўлгани учун қайинотаси уни ғоятда ардоқларкан.

Қизнинг укалари ён-атрофдагиларнинг таъсири туфайлими ёки

ёшлиқларига борибми, оталари поччаларини бунчалик яхши кўришига ғайирлик қила бошлабдилар. Бу ҳақда оталарига бирон нима дейишга ботина олишмаса-да, бир кун онасига:


— Онажон, отам намунча «куёвим, куёвим» деганлари-деган. Қачон поччамиз уйга келадиган бўлса, худди байрамдек турли ширин таомлар қилинади. Отам «куёв ундай, куёв бундай» деб мақтайдилар, холос. Нима, куёв ўғиллардан ҳам яхши бўладими? — деди улардан бири.

Табийки, онаси бу гапни ярим ҳазил, ярим чин қилиб, отасига айтиб берди. Ҳаётда кўпни кўрган, оқил ота бир кун кечки овқатни еб бўлганларидан кейин хотинига:

— Онаси, эртага шохли оқ кўйни сўйдиргин. Гўштидан беш-олти хил мазали овқатлар пишир. Яхшилаб тайёргарлик кўринглар, кечқурун энг қадрли меҳмонлар — куёв билан қизимиз келишади, — деди.

Бу гапдан ўғилларнинг юзлари бир оқариб, бир қизариб кетди. Аммо бирон сўз дея олмадилар.

Эртасига кўй сўйилиб, тур-



Қиз ҚАДРИ

ли овқатлар пиширилди, ширинликлар тайёрланди. Кечки пайт куёв билан қизлари келди. Қуюқ зиёфатдан сўнг дуо ўқилгач, дам олиш хонасига ўтдилар. Ҳамма тўпланиб, қаҳва ичиб ўтирганларида, ота қизига ўғирлиб:

— Қизим, қани тур, бир ташқарига чиқиб келчи, — деди ваҳожат билан.

Қизи бу муомаладан кўриб кетди, эрига яқинроқ ўтириб, унга суянди.

— Бор, ташқарига чиқиб кет! — дебди отаси. Қизи йиғламсираб:

— Қаерга бораман отажон, ҳамма шу ердаку, — деди-да, нажот истагандек эрининг қўлидан секин ушлади.

Оталаридан бундай кўпол муомалани сира кутмаган оила аъзолари «отамизнинг асаблари нега бузилдикин» деб ўйладилар. Ҳаммалари

Ибратнома

шошилиб хонадан чиқиб кетмоқчи бўлдилар. Ота уларни тўхтатиб, катта ўғлига:

— Ўғлим, шошилма, менга қара. Бу қиз бизларга ким бўлади? Мен унга кимману сен унга ким бўласан? — деб сўради.

— Сиз унинг отасисиз, мен укаси, — жавоб берди ўғли.

— Эй, менинг ақли тўлишмаган ўғилгинам, куёвимни, поччангни нега яхши кўришимни биласанми? — сўради отаси.

— Чунки, у оиламизнинг номусини кўриқлайди. Қизимизни, опангни, фарзандимизни ҳимоя этади. Аслида қизимни мен ҳимоя қилишим керак, лекин узатилгач, бу вазифани куёв бажараяпти. Қизимни яхши кўрганим учун куёвимни ҳам яхши кўраман. Оила ному-си нималигини сизларга тушунтирдим. Опангиз сизнинг номусингиздир. Мендан кейин, агар поччангизга бир гап бўлса, опангизга, унинг фарзандларига сиз қарашингиз керак. Негаки унинг тинчлиги, сизнинг тинчлигингиздир. Шундай экан, менинг айтганимга қулоқ солиб, доимо поччангизга меҳр ва хурмат кўрсатинглар.

Икки ўғил хижолат чекиб, оталаридан уэр сўрадилар.

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
тайёрлади.

Бекажон

«ЁНҒОҚЧА» ПЕЧЕНЬЕСИ

8 ош қошиқ ун, 1 стакан қанд упаси, 2 ош қошиқ сметана, 250 г маргарин, 1 дона тухум, бир чимдим туз солиб хамир қорилади. Тайёр хамирдан ёнғоқдек зувалачалар ясалади, махсус қолипга солиниб, унинг иккинчи томони билан хамир эзиб ёпилади ва газ плитасининг устидаги оловда икки томони пиширилади. Тайёр бўлган ярим паллачаларга бир чой қошиқдан повидло ёки мураббо меваси солиниб, иккинчи палласини ёпиб қўйилади. Ёнғоқчалар устига какао кукунга ва қанд упаси сепиб, дастурхонга тортилади.

«МОРЕНА» ШИРИНЛИГИ

Идишга 1,5 стакан шакар, 150 г сариеғ, 2 ош қошиқ сув, 2 ош қошиқ какао солиб оловга қўйиб, қайнаб чиққунча аралаштирилади. Аралашма совуғач, 1 дона тухум, 250 г майдаланган ёнғоқ мағизи ва 350 г майдаланган печенье солиб тайёрланган аралашмадан думалоқ шаклдаги ширинликлар ясаб, қанд упаси сепган ҳолда дастурхонга тортилади.

Наргиза ҚУРБОНОВА
тайёрлади.



Оромгоҳ. Қўл. Қирғоқда турган назоратчи мегафон орқали қайиқдагиларга мурожаат этяпти:

— Тўққизинчи рақам остидаги қайиқдагилар! Вақтингиз тугади. Дарҳол орқага қайтинг! Тўққизинчи рақамли қайиқ...

Шу пайт унинг ёнига бир ёш бола келиб:

— Амаки, қайиқларингиз еттита эди-ку, тўққизинчи рақамли қаердан пайдо бўлди? — деб сўради.

Назоратчи унинг гапини эшитиб бўлгач, мегафон орқали бақаришни давом эттирибди:

— Олтинчи рақам остидаги қайиқдагилар! Сизларга нима бўлди.

«Комил Полвон» хусусий фирмасига тегишли думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Пскент тумани «Меҳнат байроғи» газетаси тахририяти жамоаси газетанинг собиқ муҳаррири, меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Маждид САМАДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қўли эгрими ёки кўнгли

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади, деганлари рост экан.

Бекобод шаҳри 12-даҳа 55-уй 29-хонадонда яшовчи Амина Ҳасанбоевнинг уйига ўғрилиққа тушаётганда Фарҳод Мирзақуллов бу гапларни унутган кўри-нади.

У соҳиба уйда йўқлигидан фойдаланиб, қўлбола калит билан қулфни очган ва уйдан 300 минг сўмлик буюмларни ўғирлаган. Ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган тезкор

чора-тадбирлар натижасида Ф. Мирзақуллов харом лўқмаларни ямлаб улгурмади. У қўлга олинди.

Янгийўл шаҳрида яшовчи Мурод Мирзараҳимов собиқ турмуш ўртоғи Саида Морданшина билан жанжаллашиб қолган ва уни урган. С. Морданшина касалхонага олиб борилиб, тиббий текширувдан ўтказилганда, бош мия қаттиқ чайқалгани аниқланган.

Ҳозирда ушбу ҳолат бўйича тергов-

Кўриқчи

суриштирув ишлари кетмоқда.

Юқоричирик тумани Янгибозор кўрғонида яшовчи Илдор Гадиёв ҳаммадан ҳам уddaбурун чиқиб қолди. У Низомий номили Тошкент давлат педагогика университетининг дипломини сотиб олиб, 1995 йилдан 2002 йилга қадар қалбаки хужжат билан ички ишлар идораларида ишлаб келган.

И. Гадиёв ўз сири фoш бўлгач, қочшга жой тополмай қолди. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан прокуратура томонидан жиноий иш қўзғатилган.

У. РУСТАМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТ ШАҲРИДА
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эъловлар:
133-70-10, 136-53-80.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйқатта олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
соҳифоланди.

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
лилларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.